

Рамазон: Субҳи козиб ва субҳи содиқ



19:00 / 07.05.2020 3811

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Билолнинг азони ҳам, уфқда бундай (ердан осмонга) чўзилган оқлик ҳам сизларни саҳарлигингиздан алдаб қўймасин. Токи мана бундай бўлиб ёйилгунча», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Термизийнинг лафзида:

«Билолнинг азони ҳам, баландга чўзилган фажр ҳам сизларни саҳарлигингиздан ман қилмасин. Лекин уфққа ёйилган фажр (ман қилсин)», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифда саҳарликни қачонгача давом эттириш мумкинлиги ҳақида сўз бормоқда.

Тонг отиш пайти икки босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда ёруғлик пастдан юқорига кўтарилади. Бу субҳи козиб ёки фажри козиб дейилиб, «ёлғончи тонг» деган маънони англатади. Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳукмига кўра, ўша субҳи козиб вақтида саҳарлик вақти тугамаган бўлади.

Иккинчи босқич эса ёруғликнинг уфқ бўйлаб кўндалангига тарқалиши билан бўлади. Бу субҳи содиқ ёки фажри содиқ дейилиб, «рост тонг», деган маънони билдиради. Ана шунда оғизни бекитиш вақти кирган бўлади. Ундан кейин саҳарлик қилиш мумкин эмас.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан